



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 16 июль, № 150 (7930)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон ва Покистон: МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон 15 июль куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон Мустақиллик майдонида ташриф буюриб, Мустақиллик ва эзгулик монументига гул қўйди.

Икки мамлакат Бош вазирлари пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида иштирок этди.

Ўзбекистон ва Покистон халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Бу ришталар бугунги кунда тарихий илдизлардан куч олиб, янада ривожланмоқда. Захириддин Мухаммад Бобур ва бобурийлар, Мухаммад Иқбол,

Мирзо Ғолиб сингари улуғ мутафаккир ва шоирларнинг ўлмас мероси, маърифий қарашлари халқларимизни боғлаб турадиган мустаҳкам маънавий кўприқдир.

Шу сабабли Покистон Бош вазирининг мазкур ташрифига муносабатларимиз тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб қаралмоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон тор доирада музокара ўтказди.

Президентимиз олий мартабали меҳмоннинг Ўзбекистонга илк ташрифи икки

томонлама шериклиқнинг янги даврини бошлаб берганини таъкидлади.

— Покистон бизнинг вақт синovidан ўтган муҳим ҳамкоримиз. Давлатларимиз ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва ишончга асосланган. Бугун биз уларни стратегик шериклик даражасига кўтарамиз. Ҳозирги мураккаб вазиятга қарамайдан, ҳамкорлигимиз жадал суръатларда ривожланмоқда. Барча соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтиришдан манфаатдоримиз, — деди Шавкат Мирзиёев.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ АФҒОНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференцияда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Афғонистон Ислон Республикаси Президенти Ашраф Фани билан учрашув ўтказди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлари кўриб чиқилди.

Икки мамлакат етакчилари афгон можаросини ҳарбий йўл билан ҳал қилишнинг имкони йўқлигини яна бир бор таъкидлаб, инклюзив афгонлараро музокара тез фурсатда қайта тикланишининг тарафдори эканликларини қайд этдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Афғонистонда барқарор тинчликка эришилишига фаол қўллаб-қувватлашга тайёргилини тасдиқлади.

Томонлар икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан қайд этдилар. Пандемияга қарамай, жорий йилнинг беш ойи якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 50 фоизга ортди. Ўзбекистонда Афғонистон сармояси иштирокида 160 та янги корхона ташкил этилди.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқлиқни мустаҳкамлаш баробарида, Афғонистоннинг транзит салоҳиятини кенгайтиришга қаратилган қўшма транспорт ва энергетика инфраструктураси лойиҳаларини, хусусан,

Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли ва янги Сурхон — Пули-Хумри электр узатиш линиясини барпо этиш лойиҳаларини янада илгари суриш муҳим экани таъкидланди.

Президентлар икки томонлама ва минтақавий ҳамкорлиқни янада ривожлантириш, эришилган қилишларни амалга ошириш борасида қатъий эканликларини қайд этдилар.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХИТОЙ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 июль куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, ташқи ишлар вазири Ван Ини қабул қилди.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги дўстлик ва ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Вазир Ван Ини давлатимиз раҳбарига ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг салом ва энг эзгу тилакларини ет-

казди. Ўзбекистоннинг Марказий ва Жанубий Осиё боғлиқлигини ривожлантириш борасидаги ташаббуси юксак баҳоланди ва қўллаб-қувватланди. Тошкент шаҳрида ўтказилаётган конференция муваффақиятли бўлишига ишонч билдирилди.

Учрашувда олий даражада эришилган қилишларни амалга ошириш, жумладан, савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техник, маданий-гуманитар соҳалар ва кўп қиррали ҳамкорлиқнинг бошқа йўналишларида қўшма дастур ва лойиҳаларни илгари суриш масалаларига алоҳида

эътибор қаратилди. Пандемияга қарши курашда яқиндан ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Халқаро кун тартиби, шу жумладан, Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Ў.А.

Сарҳисоб

«ЭЛ САОДАТИ — ДАВЛАТ СИЁСАТИ»

Юртимизда ана шу ғоя амалий ҳаракатга айланмоқда.

Пиллачилик соҳаси фахрийси, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиб Салоҳиддин Бобомуродов суҳбатларнинг бирида шундай мулоҳаза билдирган эди:

— Давлатимиз раҳбари мамлакатда олиб борилаётган ислохотлардан, ўзгаришлардан одамларни кўпроқ хабардор қилиш зарурлигини таъкидлайдилар. Нега? Чунки ҳаётдаги ўзгариш аҳамиятини сезган одам сиёсатимизга, энг аввало, ўзига ишона бошлайди. Биз одамларни ўз турмушидаги ўзгаришлар моҳиятини англашга, ўз тақдири учун қайғуришга ўргатишимиз зарур. Бундай одамлар нуқтаи назаридан жамият мафқураси шаклланади.

Шу суҳбат сабаб бўлди-ю, ҳаётимизда кейинги йилларда рўй бераётган ўзгаришлар ва уларнинг турмушимизда кўзга ташланадиган самаралари хусусида мулоҳаза юртишга қарор қилдим.



MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021
15-16 IYUL, TOSHKENT

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ, ИШОНЧ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ

Хабарингиз бор, пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Унда бир қатор давлатлар раҳбарлари, ташқи ишлар вазирлари ва юқори даражадаги вакиллари ҳамда нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, глобал молиявий институт ҳамда компаниялар, етакчи илмий-тадқиқот ва таҳлилий марказлар раҳбарлари қатнашаётгани ҳам ушбу тадбирнинг қанчалик аҳамиятга эгалигини кўрсатиб турибди.

Халқаро экспертлар мазкур анжумани Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ҳамда дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш йўлидаги дадил қадам сифатида баҳоламоқда.

Кеча халқаро конференция доирасида Олий Мажлис Сенати Раисининг бир қатор нуфузли меҳмонлар билан учрашувлари ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

РЕСПУБЛИКАДА ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, фито-санитар ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, минерал ўғит ва химёвий воситаларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тизимини тўлиқ хусусий секторга ўтказиш, ташқи бозорда маҳаллий қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш ва мамлакат экспорт салоҳиятини кенгайтириш, минерал ўғитлар ва агрохимёвий хизматлар сифатини ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси негизida **Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги** ташкил этилсин.

2. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, “Ўзгрокимёхимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёхимоя” АЖлар;

“Ўзгрокимёхимоя” АЖ ва ҳудудий “Агрокимёхимоя” АЖлар; Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қимёлаштириш ва ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини синновдан ўтказиш ва рўйхатга олиш бўйича **давлат комиссиясини** тугатиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давомий 3-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўсимликларни зарарли организмлардан ишончли ҳимоя қилиш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 июлдаги “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6262-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Қуйидагилар:
2021 — 2024 йилларда ўсимликлар карантини ва ҳимояси соҳасини ривожлантириш бўйича **“Йўл харитаси” 1-иловага** мувофиқ;
Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг

ташқилый тузилмаси 2-иловага мувофиқ;
Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги **марказий аппаратининг тузилмаси 3-иловага** мувофиқ;
Қорақалпоғистон Республикаси Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг **тузилмаси 4-иловага** мувофиқ;

Вилоятлар ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармаларининг **намунавий тузилмаси 4а-иловага** мувофиқ;
Тошкент шаҳар Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бошқармасининг **тузилмаси 4б-иловага** мувофиқ.

(Давомий 3-бетда).



Ўзбекистон ва Покистон:

МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ — СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК



Покистон Бош вазири Ўзбекистонда бўлиб турганидан мамнунлигини айтиб, бу пандемия бошланганидан буён унинг илк хорижий ташрифи эканини таъкидлади.

Учрашувда асосий эътибор ички мамлакат ўртадаги сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни, айниқса, инвестициялар ва йирик минтақавий инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш йўналишида мустаҳкамлаш масалаларига қаратилди.

Кейинги йилларда икки томонлама мулоқот ва алоқалар анча фаоллашди. Шавкат Мирзиёев билан Имрон Хоннинг 2019 йилда Пекин ва Бишкекда ўтган учрашувлари, шу йил апрелдаги онлайн саммити икки мамлакат учун янги истиқболлар очди. Ҳукуматлар ва ҳудудлар даражадаги ташрифлар натижасида алоқалар амалий мазмун билан бойиб бормоқда.

Учрашувда сиёсий маслаҳатлашувларни, олий ва юқори даражадаги мулоқотни доимий ўтказиб боришга келишиб олинди. Алоқаларни кенг кўламли ривожлантириш учун Стратегик ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш тақдирини белгиланди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилар экан, томонларнинг позицияси бир хил ёки ўхшаш экани тасдиқланди.

Икки мамлакат халқаро майдонда бир-бирини кўплаб-қувватлаб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги алоқалар ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистоннинг яқин қўшнилари сифатида у ерда барқарорлик ўрнатилишидан манфаатдор экани таъкидланди. Бу минтақада транспорт йўлларини барпо этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни жадал ривожлантириш учун имконият яратди.

Ўзаро савдо айланмасини кўпайтириш, бунинг учун карго-авиакантовларини йўлга қўйиш, икки томонлама имтиёз ва преференциялар бериш масалалари муҳокама қилинди.

Минтақавий хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий-техникавий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашга доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Имрон Хон самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, давлатимиз раҳбарини Покистонга ташриф билан боришга тақдир қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон музокараларни икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирдилар. Унда сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт ва транзит, туризм соҳаларидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги аънанавий дўстлик ва кўп қиррали амалий ҳамкорлик мустаҳкамлиги бораётгани, ҳар иккала мамлакатнинг тараққиётга эришиш йўлидаги ислохотларни ҳам бир-бирига ҳамоҳанг ва ўхшаш эканини таъкидлади.

— **Дунёда юксак нуфузга эга Покистон Ўзбекистон учун салоҳиятни ва истиқболли ҳамкордир. Сиз билан биз “Ная Покистон” ва Янги Ўзбекистонни қуряпмиз. Ижтимоий йўналтирилган ислохотларимизнинг мазмуну ва руҳи бир-бирига ўхшаш ва уйғундир. Сизнинг ушбу ташрифингиз кўп қиррали муносабатларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги шериклиқни кенгайтириш ва ривожлантиришда интилишлари қатъий экани ва бу борада аниқ чораларни қўришга тайёрглигини қайта айтидилар. Кейинги даврда ўтган учрашувлар ҳамда онлайн-саммитдан сўнг ўзаро муносабатларда катта силжишга эришилди. Кўп қиррали мулоқотлар ва маданий алмашинувлар фаоллашди.

14 июль кuni Ҳукуматлараро кўша комиссия йиғилиши ўтказилди. Покистон Бош вазирининг ташрифи доирасида пойтахтимизда биринчи марта Ўзбекистон ва Покистон ишбилармонлари бизнес форуми ташкил этилди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида савдо ҳажми тўрт баробар ўсди. Қўша қорхоналар сони деярли юздан ортқика кўпайди. Бугунги кунда Ўзбекистонда покистонлик инвесторлар томонидан ташкил этилган 163 та қорхона фаолият кўрсатмоқда.

Покистон Жанубий Осиё ва жаҳоннинг йирик бозорларига чиқишда Ўзбекистон учун муҳим кўприк вазифасини ўтайди. Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўлининг қурилиши нафақат савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлиқни ривожлантириш, балки минтақа давлатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтиришга хизмат қилади.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда Афғонистон, Покистон ва Ўзбекистон делегациялари халқаро молия институтлари вакиллари иштирокида ушбу улкан лойиҳани муҳокама этиб, темир йўлни қуриш бўйича қўша ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”)ни имзолаган эдилар.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатларимиз савдо-иқтисодий соҳада ҳали ишга солинмаган катта салоҳиятга эга экани, ўзаро савдо ҳажмини 4-5 баробар кўпайтириш учун шароит борлигини таъкидлади.

Қишлоқ ҳўжалиги, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, энгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда кооперацияларни ташкил этиш масалаларига эътибор қаратилди. Ушбу соҳалардаги лойиҳалар яқин ҳафтада амалга оширилса, Ўзбекистон ва Покистон иқтисодиёти учун янги имкониятлар очилади.

Музокарада бундай лойиҳаларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва тез фурсатларда амалга ошириш учун барча зарур ёрдам ва имтиёзларни беришга келишиб олинди.

Ҳудудлараро ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётганини алоҳида қайд этиш лозим. Жорий йил февраль ойида Панжоб губернатори юртимизга ташриф билан келди. Наманган вилояти делегацияси Панжоб ва Синд провинцияларида бўлди.

Учрашувда икки мамлакат бошқа вилоятларини ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари билан боғлаш зарурлигига эътибор қаратилди. 16 июндан Тошкент ва Лаҳор ўртасида авиақатнов тикланди. Янги ҳаво йўналишларини йўлга қўйиш кўп ташкилларнинг кенгайиши ва ўзаро туризмнинг ривожланишига ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Покистон Афғонистондаги салбий вазиятнинг авж олишига йўл қўймаслик учун биргаликдаги сайё-ҳаракатларни ишга солишга, афғонлараро тинчлик музокараларини қайта тиклашда қўмақлашишга тайёрглиги қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасида қўша ғуруҳ тузиш, унинг илк мажлисини Тошкентда ўтказиш тақдирини белгиланди.

Учрашувда маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш, муштарак маънавий меросимизни биргаликда ўрганиш, илм-фан, таълим, маданият ва спорт соҳаларидаги ҳамкорлиқни кучайтириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. Ўзбекистонда Покистоннинг бой тарихи, маданияти ва санъати, ҳусусан, урду тилини ўрганишга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, Шарқнинг буюк шоири, урду адабий тилига асос солган улуғ мутафаккир Мирзо Ғолибнинг ҳаёти ва ижоди чуқур ўрганилмоқда.

Ўз навбатида, Покистонда ҳам ўзбек тили ва адабиёти, мамлакатимиз тарихини ўрганиш ва тадқиқ этишга қаратилган лойиҳаларга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Панжоб университети қошида Бобур мероси маркази, Пешовар университетига ўзбек тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Алишер Навоий маркази очилган.

Юртимизда Лаҳордаги бетакорор Шоҳ қалъа меъморий мажмуасини, ғўзал Шалимар боғларини зиёрат қилишни истайдиган одамлар кўплаб тоғилади.

Бугунги кунда Покистонда 10 миллионга яқин нақшбандия тарихидаги вакиллари, шунингдек, Заҳриддин Мухаммад Бобурнинг кўплаб мухлислари бор. Уларнинг Бухорои шариф, Самарқанд ва Андижондаги табарқур қадимчаларга зиёрат сафарини амалга ошириши учун барча шароитларни яратиб беришга тайёрглиги белгиланди.

Икки мамлакат киножоҳдорлари ҳамкорлигида Бобур бобомиз ҳақида фильм суратга олишга келишилди.

Инсон саломатлигини асраш йўлида табийий таълим соҳасида ҳамкорлиқни кучайтириш халқларимиз манфаатларига хизмат қилиши табиийдир. Шу жиҳатдан, сўнгги уч йилда покистонлик ёшларнинг Ўзбекистонга табибёт олий ўқув юртиларига тахсил олишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганини қувонарли. Айни пайтда мамлакатимизда 750 дан ортқ покистонлик ёшлар мазкур йўналишда таълим олмоқда.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги бундай муносабатлар халқларимизнинг бир-бирига бўлган самимий интилиши, ўзаро ҳурмат ва эътибори ифодаси экани алоҳида қайд этилди.

Музокаралар якунида Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислом Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўша декларацияни имзоладилар. Ташриф доирасида имзолаган 8 та ҳужжат алмашилди. Транзит ва савдо тўғрисидаги ҳамда Ишбилармонлар ва сайёҳлик гуруҳлари учун виза тартибларини соддалаштириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар улар орасида алоҳида аҳамиятга эга.

Шунингдек, Мудофаа вазирликлари ўртасида

ҳарбий таълим соҳасида ҳамкорлик тўғрисида протокол, 2021 — 2026 йилларга мўлжалланган Маданий алмашув дастури, давлат чегарасидан олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари ҳақида олдиндан ахборот алмаштириш тўғрисида баённома, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети билан Покистон дипломатик хизмат академияси ўртасида англашув меморандуми мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлиқни янги, янада юқори босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия мажлиси ҳамда Ўзбекистон — Покистон бизнес форумида умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган шартномалар имзолангани маълум қилинди.

Ўзбекистон ва Покистон етакчиларининг музокаралари якунлари бўйича оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Покистон Бош вазири Имрон Хоннинг расмий ташрифини давлатлараро муносабатлар тарихида янги саҳифа очадиган муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолади.

— **Кўп қиррали алоқаларимиз охириги йилларда сифат ва мазмун жиҳатидан юқори босқичга кўтарилиб бораётгани бизни мамнун этади. Ҳозиргина якунланган тор ва кенгайтирилган доирадаги музокаралар дўстлик ва ҳамкорлиқни ривожлантириш йўлидаги интилишларимиз қатъий эканини исботлади. Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигининг бугунги юқори даражасидан келиб чиқиб, давлатларимиз ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги қўша декларацияни имзоладик. Бу муҳим қадам алоқаларимиз тарихида янги даврни бошлаб беради, деб ишонч билан айти оламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.**

— **Бу менинг Ўзбекистонга биринчи ташрифим, иншооллоҳ, охиригис бўлмайди. Биз жаноб Президент билан жуда кенг қамровли мулоқот қилдик. Сўхбатимиз гўятда самимий бўлгани ва узоқ давом этганидан унинг охирига бориб мен ўзбекчаи тушуна бошладим. Чунки урду тили билан ўзбек тили бир-бирига яқин. Бугунги кунда Покистон ва Ўзбекистонда аҳолининг қуйи қатламларига эътибор қаратиш, камбағалликни қисқартириш, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамоҳанг. Биз савдо-иқтисодиёт, транспорт, таълим, маданият, туризм соҳаларидаги имкониятларни атрофила муҳокама қилиб, стратегик келишувларга эришдик, — деб таъкидлади Имрон Хон.**

Ўзаро ишонч ва очкилик, самимий ва амалий руҳда ўтган самарали музокараларда шериклиқнинг янги имкониятлари кўриб чиқилиб, “ўсиш нуқталари” белгилангани қайд этилди. Сўнгги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тўрт баробар ўсгани, келгусида ушбу рақамларни яна тўрт-беш баробарга ошириш бўйича келишиб олингани таъкидланди.

Транзит ва савдо тўғрисидаги битим режалаштирилган улкан мақсадларга эришишга хизмат қилади. Қишлоқ ҳўжалиги, уруччилик ва чорвачилик, машинасозлик ва қурилиш, фармацевтика ва кимё, энгил саноат ва бошқа устувор соҳаларда янги қўша лойиҳаларни амалга ошириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатишга келишилгани маълум қилинди.

Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар темир йўли қурилиши масаласи ҳам атрофила кўриб чиқилгани қайд этилди.

Хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиқни кенгайтиришга келишиб олингани айтилди. Томонлар нуфузли халқаро ва минтақавий тузилмалар доирасида бир-бирини кўплаб-қувватлашн давом эттирилиши тасдиқландилар.

Шунингдек, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик истиқболларига тўхталиб ўтилди.

Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хоннинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Олий мартабали меҳмон 16 июль кuni Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги халқаро конференцияда иштирок этади. Шунингдек, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини зиёрат қилиш кўзда тутилган.

Матнозар ЭЛМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.

MARKAZIY VA JANUBIY OSIYO 2021 15-16 IYUL, TOSHKENT

Тошкент форуми Ўзбекистоннинг Европа ва Осиёни ўзаро боғлайдиган муҳим бўғин сифатидаги тарихий ўрнини намоён этмоқда

Тошкент шаҳрида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида олий даражали халқаро конференция бўлиб ўтмоқда.

Маълумки, минтақавий ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш ташаббуси давлатимиз раҳбарининг янги очик ташқи сиёсий стратегияси доирасида илгари сурилди. Ушбу гоя Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлиқни янада чуқурлаштириш орқали минтақамиз билан иқтисодий, ижтимоий, маданий цивилизация йўналишларида тарихан қамбарчас боғлиқ бўлган ҳудуд — Жанубий Осиёга чиқишни назарда тутди.

Олий даражадаги мазкур конференция транспорт-логистика, энергетика, савдо, ишлаб чиқариш, инвестиция, технологик ва маданий-гуманитар соҳаларда “Марказий Осиё — Жанубий Осиё” форматидagi ўзаро манфаатли стратегик алоқа моделини кўп томонлама муҳокама қилиш учун сиёсий ҳамда экспертлар майдонини шакллантиришга мўлжалланган.

Тадбир очилиш маросими, битта ялпи мажлис, учта секциявий йиғилиш ва яқуний қисмдан ташкил топган. Конференцияда 40 дан ортқ мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлардан 250 дан зиёд вакиллар қатнашмоқда. Шунингдек, уни ёритиш учун Тошкентга 90 га яқин журналистлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари таъин қилинган.

Халқаро конференциянинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари раҳбарлари ҳамда чет эллик экспертлар “Дунё” ААга ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилди.

Агостино Пинна, Италиянинг Ўзбекистондаги элчиси:



— Тошкентда бошланган анжуман халқаро ҳамжамият учун муҳим ва аҳамиятли воқеа ҳисобланади. Европа Иттифокнинг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Жозеп Боррель ҳамда Италия ташқи ишлар ва халқаро ҳамкорлик бўйича давлат қотиби Манлио Ди Стефано бошчилигида юқори даражадаги делегациялар форумда иштирок этиш учун келгани фикримизни тасдиқлайди.

Анжуманда муҳокама қилинадиган масалалар жуда долзарб бўлиб, булар, аввало, инфратузилма объектилари, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш ва минтақавий ўзаро боғлиқлик ҳамда хавфсизлиқни чуқурлаштиришга қаратилган. Кўпгина давлатларни ташвишга солаётган

Афғонистондаги вазият хисобга олинмаган бўлса, анжуман мавзуси жуда ҳам муҳимдир.

Конференцияда икки томонлама ва минтақалараро ҳамкорлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Шу ўринда жорий йил охиригача “Италия — Марказий Осиё” вазирларнинг иккинчи йиғилишини ташкил этиш ва ўтказишни режалаштираётганимизни айтиб ўтмоқчиман. Умид қиламанки, ушбу форматдаги учрашув Тошкентда ёки мамлакатнинг бошқа шаҳрида ташкил этилади. Биринчи учрашув 2019 йилнинг декабрь ойида,

Сунарио Картадината, Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчиси:



— Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноб Олийларини стратегик жиҳатдан гўят тўғри бўлган ҳамда Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари ўртасида алоқаларни очадиган ҳамда яхшилайдиган ушбу ташаббуси билан қутлайман.

Бу жуда оқилона ва мақбул қадам бўлиб, Ўзбекистоннинг савдо, иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий келажагини ихобий томонга ўзгартиришга, мамлакатни янада йирик тортиш қучининг марказига айлантиришга жуда ҳукумат ва халқни ҳайратлантиришга шубҳа йўқ.

Марказий ва Жанубий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш юзасидан биргаликдаги сайё-ҳаракатлар савдо, сармоя, транспорт, энергетика ва инновациялар, “яшил технологиялар” жабҳасидаги ҳамкорлик

ни янада кучайтириш, аниқ лойиҳаларга татбиқ этиш, сайёҳлик, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан ва маданият жиҳатларидаги ўзаро алоқалар кўламини янада кенгайтириш ҳамда барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлашга қўмақлашди.

Мўлжалланган мақсадларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонни яқин келажақда йирик минтақавий субъектга айлантиради, деб айтиш учун асос бўлади. Тошкент халқаро лойиҳа конференцияси ҳам Ўзбекистон иқтисодий дипломатиясининг кучайишига хизмат қилади.

Каспарс Герхардс, Латвия қишлоқ ҳўжалиги вазири:



— Мен Ўзбекистонга ҳамиша катта мамнуният билан келаман. Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларга буюк берав эканмиз, уларнинг аҳамияти катта эканини таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Латвиянинг Марказий Осиёдаги шериги эканидан, икки то-

Ли Кён Шик, “The Korea Post” журнали асосчиси ва президенти (Жанубий Корея):



— Ўзбекистон яна бир йирик анжуман — “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусидаги юқори даражали халқаро конференцияга мезбонлик қилмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирда иштирок этаётганларнинг салмоғи унинг натижаси қай даражада муҳим бўлишини кўрсатиб туради.

Бугун инсоният турли муаммолар гирдобидида қолмоқда. Ана шундай бир

шароитда минтақалар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни фаоллаштириш, мавжуд муаммо ва таҳдидларни биргаликда бартараф этиш, ўзаро ҳамжиҳатлик ҳамда аҳилликда умум-бағиш қадриятларини мустаҳкамлаш келажақда Марказий ва Жанубий Осиё халқларининг кўп асрлик ўзаро алоқаларини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Фарид Шафиев, Озарбайжон Халқаро алоқаларни таҳлил қилиш маркази кенгаши директори:



— Сўнгги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ислохотларнинг барча йўналиши Марказий Осиё ва минтақадаги иқтисодий-сиёсий жараёнлар билан фаол шўғулланишга қаратилган.

Минтақада рўй бераётган сиёсий-иқтимоий воқеаларда Ўзбекистон муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги муносабатлар жадал ривожланаётгани, қатор иқтисодий лойиҳаларни муҳокама қилаётганимизни ҳам таъкидлашни истардим. Ҳамкорлигимизнинг асоси — икки қардош мамлакат ўртасидаги мустаҳкам сиёсий таянчдир.

Вернер Фасслабенд, Австрия институти президенти, Австрия собик мудофаа вазири:



— Марказий Осиё — бугун Осиё китъасининг барқарорлигини таъминлашда халқуви аҳамиятга эга ва минтақанинг сиёсий-иқтисодий ривожига муҳим роль ўйнайди.

Ўтган 25 — 30 йилни Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа давлатлари ўз мустақиллигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлашга сарфлади. Марказий Осиёнинг геостратегик ҳолати, бир томондан, халқуви мақомини тақдир этса, иккинчи томондан, у денгиз йўлларида чиқиш имконига эга эмас. Каспий денгизи, Қора денгиз халқаро транспорт йўлига, шунингдек, Ҳинд океанига чиқиш учун курулқандаги логистик йўллари ташкил этиш — минтақа олдида турган муҳим вазифалардан бири. Бу борада Ўзбекистоннинг ўрни муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОН – ПОКИСТОН БИЗНЕС ФОРУМИ:

МУЛОҚОТ ВА ҒОЯЛАР АЛМАШИНУВИ УЧУН МАЙДОН

Пойтахтимизда Ўзбекистон — Покистон бизнес форуми бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда бўлиб турган Покистон Ислом Республикаси Бош вазири Имрон Хон Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов ҳамроҳлигида форумга ташриф буюрди ва иштирокчиларга омад тилади.

Бизнес-форумда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик, идора ва тармоқ бирлашмалари раҳбарлари ҳамда икки мамлакат ишбилармон доираларининг 300 дан зиёд вакиллари иштирок этди.

Бизнес-форум илк бор ва айнан Покистон Ислом Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи доирасида ўтказилгани билан аҳамиятлидир.

Ушбу ташриф ва Олий даражадаги учрашув ҳамда музокаралар мамлакатларимиз ҳамкорлигида барча тармоқларни қамраб оладиган янги саҳифа очилди, кўп қиррали Ўзбекистон — Покистон шериклигини ривожлантиришга

кучли туртки бериши алоҳида таъкидланди.

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАРНИ, ИШОНЧ ВА ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДАГИ ДАДИЛ ҚАДАМ



Томонлар тизимли мулоқотни давом эттиришга тайёрлигини билдирди

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази (МОПДММ) раҳбари Н. Герман билан учрашди.

Мулоқот чоғида томонлар МОПДММ ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик масалалари атрофида кўриб чиқилди.

Мамлакатимиз БМТ резолюциялари ва қарорларини амалиётга татбиқ этиш, бу борада ҳамкорликни ривожлантиришга жиддий аҳамият бераётгани таъкидланди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон БМТ фаолияти доирасида мамлакатимизнинг миллий манфаатларини инфодаловчи қатор долзарб ташаббусларни илгари сураётгани қайд этилди. Улар бошқа аъзо давлатларнинг позицияларига мос келиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Тадбирда меҳмонга Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда янгиланишлар хусусида ахборот берилди. Жумладан, болалар ва мажбурий меҳнатдан фойдаланишга барҳам бериш ҳамда хотин-қизлар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги сайё-ҳаракатлар қандай самара бераётгани хусусида сўз юритилди.

БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ташки сиёсат борасидаги ислохотларни юқори баҳолади. У ана шу ислохотлар натижасида Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва яхши қўшничилик муҳити янада мустаҳкамланганига ургу берди.

Учрашувда томонлар тизимли мулоқотни давом эттириш, ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди

Олий Мажлис Сенати Раиси Т. Норбоева БМТ Бош қотиби ўринбосари, Европа иқтисодий комиссияси (ЕИК) ижро этувчи қотиби О. Алгаеровани қабул қилди.

Учрашувда Ўзбекистон ва БМТ ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳолати ҳамда истиқболлари муҳокама қилинди.

Сўнгги йилларда икки томонлама муносабатлар ва мулоқот сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани таъкидланди.

Ўзбекистон БМТ доирасида барча соҳадаги ҳамкорлик алоқаларига алоҳида аҳамият бераётгани айтиб ўтилди. Шунингдек, БМТнинг 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш мақсадларини рўёбга чиқариш, Евроосий иқтисодий комиссияси билан ҳамкорлик қилиш, қўшма лойиҳаларни изчил амалга ошириш ҳамда Марказий Осиё иқтисодиёти учун БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиёти бўйича махсус дастурини (СПЕКА) тарғиб этиш масалалари таҳлил қилинди.

Бундан ташқари, томонлар ЕИКнинг Иқтисодий форумини ва СПЕКА Бошқарув қўмитаси кенгаши 16-сессиясини шу йил ноябрь ойида Тошкентда ўтказиш тўғрисидаги таклифни ҳамда СПЕКА инвестициялар

ва молиявий ҳамкорлик бўйича ишчи гуруҳи биринчи йўналишини ўтказиш, Тошкентда СПЕКА Котибиятини таъсис этиш масалаларини ҳам кўриб чиқди.

Мулоқот чоғида томонлар ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга тайёр эканликларини билдирди ва ўзарини қизқитириган масалалар юзасидан фикр алмашди.

Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди

Шу кунги халқаро конференция доирасида Марказий Осиё халқаро институтининг расмий очилиш маросими ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, БМТ Бош қотибининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили, Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Наталья Герман ва бошқа юқори мартабали меҳмонлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё халқаро институтининг расмий очилиш маросими қатнашчиларига йўллаган табригини Олий Мажлис Сенат Раиси Т. Норбоева ўқиб эшиттирди.

Қайд этилганидек, ушбу институт давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, у минтақа давлатлари ҳамкорлигини ҳар томонлама кенгайтиришга қаратилган стратегия ва дастурларнинг янги йўналишларини ишлаб чиқишга қўмаклашиш, уларни илмий асосланган ҳолда чуқур таҳлил ва тадқиқ қилиш билан шуғулланади.

Қолаверса, бу муассасада минтақа давлатлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган ишланмалар, Марказий Осиё хавфсизлиги билан боғлиқ бошқа таҳдид ва муаммоларни самарали ҳал этишга қаратилган тизимли тадқиқотлар олиб борилади. Қолаверса, институт қўшни давлатлар ташки сиёсат концепция ҳамда мақсадларини таҳлил қилиш бўлимида янги йўналишларни ишлаб чиқишга тайёрлигининг амалий ифодасидир.

Мазкур ноёб илмий-тадқиқот маркази халқаро конференция арасидаги очилаётганда ҳам ўзига хос маъно борлиги иштирокчилар томонидан қайд этиб ўтилди. Зеро, бу икки муҳим воқеа — Ўзбекистоннинг яқин минтақавий ва минтақалараро алоқаларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кооперацияни кучайтириш, кўп қиррали ҳамкорлик жүрғюрийсини кенгайтириш йўлида энг истиқболли ва янги йўналишларни ишлаб чиқишга тайёрлигининг амалий ифодасидир.

Тадбирда БМТнинг Марказий Осиёда превентив дипломатия бўйича минтақавий маркази раҳбари Марказий Осиё давлатларининг минтақавий тинчлик ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш борасидаги сайё-ҳаракатлари, муҳим ташаббусларини қўллаб-қувватлашга доим тайёрлигини маълум қилди.

Унинг фикрига кўра ушбу халқаро институт яқин истиқболда минтақа давлатлари манфаатларига хизмат қилувчи, минтақа экспертлар ҳамжамияти салоҳиятини бирлаштирувчи ягона платформага айланади.

Тадбир доирасида меҳмонлар институтининг янги биноси, ходимлар учун яратилган шарт-шароит билан танишди. Ушбу муассаса савдо, транспорт ва алоқа, энергетика, сув, экология, гуманитар ва хавфсизлик соҳаларида минтақавий ҳамкорлик истиқболларини экспортлар билан муҳокама қилиб, кўп қиррали йўналишлар бўйича аниқ ва илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқишда платформа вазиёларини ўтатишга ишонч билдирилди.

«ЭЛ САОДАТИ — ДАВЛАТ СИЁСАТИ»

Юртимизда ана шу ғоя амалий ҳаракатга айланмоқда.



Инсоният пайдо бўлибдики, унинг ҳаётида эзгулик ҳамда ёмонлик, нафс ва ҳалоллик, самимият ҳамда разо-лат бақамти юради. Улар курашида қайси бирининг ғолиб келиши у ёки бу минтақада яшовчи аҳоли миллий менталитети ҳамда маънавий даражаси билан белгиланади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, мамлакатимиз ҳудудида тарихда турли ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар юзгага келган. Лекин бизга ғурур бағишлайдиган жиҳат шундаки, ажодларимиз инсоният тарихидаги икки Ренессансда фаол бўлган. Ана шу асос ҳамда ишонч давлатимиз раҳбарига “Янги Ўзбекистон” ғоясини ўртага ташлашга ва уни халқ билан маслаҳатлашган ҳолда амалга ошириш учун киришишга қатъият бағишлади, деб ўйлайман. Бинобарин, биз турмушимизда кўриб, сезиб турган барча ижобий ўзгаришлар ана шу қатъият самараларидир.

Албатта, бу эзгу ғоя моҳияти Ҳаракатлар стратегияси ҳамда унинг ижроси жараёнида тизимларни такомиллаштириш бўйича қабул қилинган қонун, Фармон ҳамда қарорларда, дастурлар ва “йўл хариталари”да ўз аксини топган.

Келинг, бу ҳаракат йўналишида шiorга айлланган қоида ҳамда талабларни қайд этилайлик:

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”.

“Асосий мақсад — одамларни рози қилиш”.

“Бизнинг бош мақсадимиз — янги Ўзбекистонни барпо этишдир”.

“Янги Ўзбекистонни билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан бирга барпо этишим”.

“Тиббиётдаги ислохотларни сифатли, манзилли амалга оширсак, одамлар рози бўлади”.

Ҳўш, ушбу сиёсат самарасини биз нима-ларда кўришимиз мумкин? Бунги биргина Самарқанд вилояти мисолида инфодаловча ури-ниб кўраймиз.

Бугун жамиятда самарқандликман, деган ҳар бир кишининг ўз овози бор. Мисол учун телеграм ва инстаграм каналига кунга **250 — 300 тагача** муножаатлар бўлади. Ҳар бир ташкилот ва сектор раҳбарларига ҳам шу тарзда муножаат қилиш мумкин. Бу муножаатлар ва сайёр қабуллардаги таклифлар ижроси ҳар ҳафта таҳлил этилади. Ижрога масъулиясиз-лик билан ёндашган мутасаддиларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилади.

Эндиликда шикоят ҳамда муаммоларни ўрганишда ошқоралик таъминланмоқда. Масалани жойига бориб ўрганишда жамоатчилик, журналист ва блогерлар ҳам иштирок этади, жараён ижтимоий тармоқларда ёритилади. Хатто халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясини ҳам онлайн тарзда эфирга узатаймиз. Мақсад — халққа яқин бўлиш, очик фаолият олиб бориш, давлат ҳамда раҳбарлар фаолиятидан одамлар хабардорлигини таъминлаш.

Қабул қилинаётган қонун, Фармон, қарор ва дастурлар лойиҳаларига таклиф, фикр билдириш учун ўнлаб очик порталлар ишлаб турибди. Ҳўш, одилона айтинг-чи, сўз эркинлиги бундан ҳам ортиқ бўлиши мумкинми?

Вилоят иқтисодиётининг асосий «драйверлари»

Давлат сиёсатининг самарасини бугун вилоятдаги ҳар бир соҳада кўриш мумкин. 2017 йил билан қўйилганимизда 2020 йил якунида вилоятда янги ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқиш ҳажми 10,4 фоизга ўсди. Бу аҳоли ҳон бошига тақсимланганда 3,9 миллион сўмдан кўп деганидир. Кичик бизнес субъектлари тўрт йилда икки баробар кўпайиб, 35 мингга етди.

Буларнинг ҳаммасини ўзимизнинг мутахассислар, ёшлар урдалаяпти. Бугун дўконларимизда Самарқандда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни кўриб, кўз қувнайди.

“Ургут” эркин иқтисодий зонаси тўрт йил ичида вилоят иқтисодиётининг «драйвери»га айланди. Бу ердаги корхоналарда 4 минг 300 нафар киши ишляпти. Барча ҳудудда унинг филиаллари очилляпти. Иқтисодий зонада 220 турдаги маҳсулот тайёрланыпти. 2020 йилда 1,4 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди, унинг 30 миллион АҚШ доллари миқдоридасига экспорт қилинди.

Самарқанд замини кўҳна бўлиши баробарида, оқил деҳқонлар, кластерлар шарофати билан энг ҳосилдор майдонларга айланди. Ҳар йили 150 минг тоннадан ортиқ қишлоқ ҳўжали-

ги маҳсулотлари 40 га яқин давлатларга экспорт қилинмоқда. Бу ҳолат моҳиятини шу пайтга қадар қўшни давлатларга арзимаган миқдорда, тагин минг азоб билан ноз-неъмат сотганлардан сўранг.

Бугун Жомбойда “SAG Agro” МЧК барпо этган 1,4 минг гектар ёнғокзордан йилга оли-наётган 9 минг тонна ҳосил, Жомбой ва Оқдарёдаги энг замонавий қорвачилик комплекслари, “Zarafshon — Iomann — paranda” МЧК етиштираётган 114 миллион донга тўхум, 200 тонна гўшт, 3,5 миллион донга бир кунлик ва 400 минг бош 9,0 кунлик ҳўжалар вилоятга даромад келтирмоқда.

Дарвоқе, қишлоқ ҳўжалигида экспортбор маҳсулот етиштиришда вилоятда ибратли тажриба тупланди. Кластерлар ерлардан унумли фойдаланиш, томчилатиб сугоришни қўллаш, фойдали нав экинларини экиш, тайёр маҳсулотни сотишда деҳқонларга қўл келмоқда. Масалан, Тайариқ тумани, “Дўстлик” даҳасидаги “Ингича узумзори” ишлаб чиқариш кооперациясида 1,6 минг гектар интенсив узумзорлар ташкил этилиб, 3 минг 200 нафар кам таъминланган фуқарога 0,5 гектардан бўлиб берилди. Жорий йил якунигача кооперациядаги узумзорлар 2,3 минг гектарга етказилади. Асосийси, бугунги кунда фуқаролар ушбу узумзорларнинг қатор ораларига қишлоқ ҳўжали-ги экинларини экиб, қўшимча даромад олмақда.

Демоқчимани, кластер усули деҳқонларнинг ерга бўлган муносабатини ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий мақсади одамларни иш билан, доимий даромад манбаи билан таъминлашга қаратилган. Гарчи бу борада муаммолар кўп бўлса-да, уларни комплекс тарзда ҳал этиш йўллари топиляпти. Айтايлик, кимдир бирор касбга ўқитилиб, кейин субсидия асосида иш жойи очилмоқда. 6,8 минг нафар фуқарога субсидия асосида шахсий томорқасида иссиқхона қуриб берилди. Шунинг баробарида, уларга ўз маҳсулотини сотиш учун имконият яратилди.

Кичик бизнес эгаларини бу ишга жалб этиш яхши самара берапти. Мисол учун тикув машиналарини тарқатганимизда, айрим аёллар ундан самарали фойдалана олмади. Шундай пайтда, кичик бизнес эгаларига ўз корхонасини кенгайтириш ҳисобига, тикувчи аёлларни ишга олиш имконини яратдик. Бугун вилоятда 50 — 100 киши-лик 74 та корхона ишлаб турибди. Бундай корхона-ларда тажриба, бозор ҳам мавжуд. Ана шу йўл билан 9 минг нафар хотин-қиз мўқим иш жойига эга бўлди.

Ургутлик тадбиркор йигит, давлатимиз раҳбарининг эътиборига тушган Мажиҳдон Исмолов ака-укаларини ёнига олиб ташкил қилган оилавий корхонасида тайёрланаётган қўйла-кларни бугун ўз бренди бўйича экспорт қилляпти. Ана шу йигитга бир сўхбатимизда корхонаси филиалларини жойлардан ҳам ташкил этиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириши маслаҳат бергандим. Бунинг учун уни қўллаб-қувватладик. Бугун Мажиҳдон Кўшработнинг олис маҳалла-сида ҳам тикувчилик цехи очиб, қишлоқ аёлла-рини хўнарга ўргатди, даромад топишга им-коният яратди.

Бундай мисолларни бугун ҳар бир туман, шаҳар, ҳатто маҳаллалар мисолида келтириш мумкин. Умуман, қурилган чоралар туфайли жо-рий йилнинг яримида 15,7 минг киши иш ўрнига эга бўлди. Ваҳоланки, 2017 йил давомида ана шунча иш ўрни яратилган эди.

Ёшлар билан ишлаш — энг завкли иш

Ёшлар билан даярли ҳар кўни учрашаман. Улар билан ишлаш менинг энг завкли ишим.

“Ҳоким ва ёшлар” учрашувлари барча шаҳар ва туманларда анъанача кирди. Шу йилнинг ўзида улар томонидан ўзимга билдирилган 1 минг 524 та муаммо ва масаланинг 84 фоизи ижобий ечим топди.

ДХХ масъул ходимлари билан маҳаллалар-да ўтказилган учрашувларда билдирилган талаблар ҳам шу тарзда ижобий ҳал этилмоқда.



Вилоятимизда 270 минг нафар йигит-қиз “ёшлар дафтери”га киритилган. Уларнинг 6 минг 351 нафарига ер ажратиб берилди, 3 минг 181 нафарига тадбиркорликни бошлаш учун кре-дит ажратилди, 3 минг 569 нафар ёш ишга жойлаштирилди.

Ёшларни ақлий меҳнатга оид иш билан таъ-минлаш осон эмас. Негаки, аввало, уларнинг пухта билим олишига, у ёки бу йўналишда ма-лакага эга бўлишига, ҳаётий тажриба орттири-шига эришмоқ лозим.

Шу мақсадда ўтган 2020 йилда вилоятдаги олий ўқув юртлиари битирувчиларидан раҳбар-лик ва лидерлик қобилиятига эга 331 нафар йигит-қиз танлаб олинди. Улар билан мулоқот ва семинарлар ўтказдик ҳамда ҳокимлик захи-расига олдик. Ҳозиргача 227 нафарининг бандлиги таъминланди.

Жорий йилда эса 517 нафар шундай иқти-дорли, фаол ва ташаббускор йигит-қиз саралаб олиниб, истиқболли кадрлар селекцияси орка-ли янги авлод кадрлар захирасини шаклланти-риш бўйича тизимли ишларни олиб бораймиз.

«Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё»

“Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” деб бе-жиз айтилмайди. Ҳаёт бир ерда тўхтаб турган эмас. Давлатимиз раҳбарининг шиддатли, оқилона сиёсатининг аҳамиятини сезиш учун ҳаётимизга теран нигоҳ билан қарашнинг ўзи кифоя.

Келинг, олий таълим муассасаларига ҳуж-жат ва тест топиришдаги навбату овозагара-чиликларни, янги корхона очиб ёки уни ёпиш-даги сарсонгарчиликларни, пенсияни расмий-лаштириш ва олишдаги асабузларликларни бир кўз олдимишга келтираймиз.

Энди-чи? Ҳозир Давлат хизматлари агент-лиги томонидан аҳолига 200 га яқин хизмат-лар кўрсатилмоқда. Тизим шакланганлиги, таж-рибалашгани сари бу ердан ишни битириш, яъни керакли ҳужжатларни олиш муддати ҳам қисқариб борапти.

Ҳозир уйда ўтирган ҳолда пенсияни рас-мийлаштириш, барча турдаги тўловни амалга ошириш мумкин. Ўқишга ҳужжат ва имтиҳон топириш ҳам бюрократик тўсиқлардан холи бўлди.

Энди ўзимизга савол бериб кўрайлик: ҳар кўни дуч келаётган бир енгилликларга шўқрона айтишимиз керак эмасми?

Демоқчимизки, ҳаётимизни оқилона таҳлил қилиб туриш уни тўғри англашга ёрдам бе-ради. Ҳар биримизнинг нуқтаи назаримиздан эса миллият мафқураси шаклланади. Бу мафқура ивёо бўлтон, розолатга эмас, балки бунёд-корликча, ҳамкорликча танянгандагина халқимиз ҳаёти фаровонлашади, давлат қудратли бўлади.

Қорасувда 100 минг кишилик шаҳарча қурилади

Вилоятдаги ўзгаришлар ҳақида гап кетар экан, Самарқанд шаҳрида барпо этилган “Қора-сув” даҳаси тажрибасини айтмасак бўлмайди.

У ерда ҳозиргача 5, 7, 9, 12, 14 ва 16 қаватли 116 та уй қурилди. Яқинда 2 та 25 қаватли уй фойдаланишга топширилади. Даҳада 1 қатнов-да 1 минг 680 ва 540 ўринли мактаблар, 460 ўринли учта мактабгача таълим ташкилоти



ва 11 та оилавий боғча фаолият кўрсатмоқда, ўнлаб замонавий хизмат кўрсатиш шохобча-лари бор.

Худудда узунлиги ўз километрлик истироҳат боғи қурилиши бошланди. Насиб этса, яқин йилларда Қорасувда 100 минг кишилик шаҳар-ча пайдо бўлади.

Айни пайтда шаҳарнинг темир йўл орти ҳуду-дидаги Меҳнат, Матонат, Майсазор маҳалла-ларида ҳам ана шундай шаҳарча барпо этишга киришилди. Вилотнинг барча ҳудудларида кўп қаватли уйлар қурилиши авж олган.

Очилиб, бу ишлар осонгина кечмаяпти. Йўл-йўлакчи жуда кўп камчиликларни тутатишга, қурилиш индустриясини шакллантиришга, ма-ҳаллий ҳон ашёдан арзон қурилиш материал-лари ишлаб чиқаришга тўғри келяпти.

Қурувчиларнинг маҳорати, маълумоти ва аҳоли талаби билан бу борада сифатга эришяпмиз.

212 гектарлик мажмуа сайёҳлик хабиға айлантирилади

Самарқандда сайёҳлик йилдан-йилга эмас, ойдан-ойга, кундан-кунга ўсиб бормоқда. Сай-ёҳлик инфратузилмаси шаклланди. ЮНЕСКО томонидан Самарқанд ҳар бир инсон умри да-вомида, албатта, бориб кўриши шарт бўлган 50 та шаҳар сафида эътироф этилиши бежиз эмас. Эндиликда меҳмонхона, меҳмон уйлари ва хостеллар сони 410 тадан ошди. Бу ерга таширф буюраётган ҳорижий ва маҳаллий сайёҳлар сони уч йилда 2-3 баробар кўпайди.

Орзу Маҳмудов кўчасида туризм гастро-номияси, Кониғий туризм кишлоғи ва бир қатор экосайёҳлик йўналишлари очилиши баробари-да, бу соҳада хизмат қилувчилар сони 12 минг нафардан ошди.

Самарқанд эшакка эшитиш каналли бўйида бар-по этилаётган замонавий сайёҳлик марказида амфитеатр, кўнгилочар парклар, “Абадий ша-ҳар” карвон саройи ва 8 та меҳмонхона қуриляпти. 212 гектарлик бу мажмуа сайёҳлик хабиға айлантирилиши режалаштирилган. Самарқанд шаҳридан бу ергача янги йўл ҳам қуриляпти. Натижада сайёҳларга хизмат қилу-вчилар сони ана бир неча баробар кўпаяди.

Самарқанд тарихан сойлик, нотекис жойда қад ростлаган шаҳар. Шу сабабли коммуника-ция тизимларини қуриш бирмунча қийинчи-ликлар туғдиради. Лекин бу иш бизда қатъий ҳад-вал асосида амалга оширилмоқда. Шаҳар



кўчаларида табиий газ, ичимлик ва оқова сув қувурлари бутунлай янгиланмоқда. Ҳар битта кўча таъмирланыпти. Бу ишлар, насиб этса, бир йил ичида якунланади. Шу сабабли ҳам Президентимизнинг Самарқандни “миллионли” шаҳарга айлантириш таклифини аҳолимиз ни-ҳоятда қизгин кутиб олди.

Бугун шаҳар кўчаларини тунда айлансангиз, эртақлар масканига келгандек ҳис этасиз ўзин-гиз. Ташмирдан чиққан кўчаларга пешма-пеш туни ёритқичлар ўрнатиляпти. Йил якунигача аксарият кўчалар ана шундай нурафшон бўлади.

Ҳали қўлимиз барча кўчаға етиб борган эмас. Бироқ...

Улуғ байрамимиз арафасида кўнглимдаги яна бир гапни айтмасам бўлмайди. Бошқа вилоятлардаги каби бизда ҳам 5-6 йил илгари электр таъминоти жуда ёмон эди. Қўшработ, Ургут, Пахтачи туманларида қишининг чилласи-да суткалаб электр энергияси бўлмасди. Бошқа ҳудудларда, ҳатто вилоят марказида ҳам электр энергиясини соатбай беришга мажбур эдик. Бунинг устига соҳадаги ҳўжасизлик, эски усунулар таъминотда асабузларликни юзгага келтирарди.

Вилоят аҳолиси, жумладан, истеъмолчилар кўпайгани билан соҳада мултоқло модерниз-ация ишлари олиб борилмаган. Йиллар давоми-да қисман эскирган 108 та нимстанция, 18 минг 541 км. электр узатиш тармоқлари, 7 минг 443 та трансформатор хизмат қилган, 2450 мингта 500 ваттга ёнган эди.

Қаранг, сўнгги тўрт йил ичида соҳа-да бирмунча тартиб ўрнатилди. 9 та нимстанция, 2 минг 394 км. паст кўч-ланилиш ҳаво узатиш, 60,8 км. 35 — 110 киловаттлик занжирли

ДЕПУТАТЛАР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МУТАСАДДИЛАРИНИНГ АХБОРОТЛАРИНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида депутатлар соғлиқни сақлаш вазири А. Хожибоевнинг “Соғлиқни сақлаш соҳасига оид ислохотларнинг амалга оширилиш ҳолати тўғрисида”ги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. Юсупалиевнинг “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида”ги ахборотларини эшитди.

Қонунчилик палатасида

А. Хожибоевнинг ахборотида кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини ошириш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, маҳали тиббий кадрларни тайёрлаш, соҳага янги бошқарув усуллари-ни жорий этиш ҳамда санитария-эпидемиологик барқарорлиқни таъминлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Президентимизнинг 2020 йил 12 ноябрдаги “Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида республикамиз аҳолисини тиббий хатловдан ўтказиш учун 14 минг 202 та тиббиёт бригадаси ташкил этилиб, 32458030 нафар аҳолининг саломатлик ва физиологик ҳолатидан келиб чиқиб, 4 та гуруҳга тақсимланди.

Шунингдек, ижтимоий ёрдамга муҳтож қатламларга алоҳида эътибор қаратилди. Бугунги кунгача “темир дафтар”га киритилган 1 912 нафар беморнинг 1 575 нафарига юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатилди. Аҳолини манзилли скринингдан ўтказиш ва юқумли бўлмаган касалликларни эрта аниқлаш мақсадида 23 та мобил бригада тузилди. 2021 йилда ташкил этилиши режалаштирилган 124 та оилавий шифокор пункти ва оилавий поликлиникалардан 71 таси ўз фаолиятини бошлади. Бирламчи тиббиёт-санитария муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида қишлоқ оилавий поликлиникалари 733 та ЭКГ ва 721 та УТГ аппаратлари билан таъминланди.

Қайд этилганидек, Соғлиқни сақлаш вазирилик томонидан “xatlov.uz”, “bemor.ssv.uz”, “edo.ssv.local”,

“emlash.uz”, “nd.ssv.local”, “pd.ssv.local” ахборотлаштирилган тизимлари яратилган. Хозирги кунда юртимиздаги 243 та маҳалла фуқаролар йиғинлари олис ва чекка ҳудуд сифатида белгиланган бўлса, ушбу манзилларда жами 86 та оилавий шифокорлик пункти ва 39 та оилавий поликлиника ҳамда уларда 149 та вақант штат мавжуд. Лекин “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида ҳудудлар кесимида 41 нафар тиббиёт ходими ишга қабул қилиниб, айни вақтга қадар уларнинг атиги 16 нафарига 30 миллион сўмлик пул маблаглари тўлаб берилган.

Шунингдек, телетиббиёт асосида республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ва уларнинг жойлардаги филиаллари ўртасида яқин алоқа йўқ. Қолаверса, республика бўйича 466 та тиббиёт муассасасига оптик толали кабеллар ўтказиш ишлари якунига етмаган.

Халқ вакиллари соҳада қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, юқоридagi муаммоларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор тақлифлар берди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бошлиғи Б. Юсупалиевнинг ахборотида қайд этилганидек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, жорий йилнинг 10 июль ҳолатига дунёнинг 222 та давлатида жами 186,8 млн. нафар беморда коронавир-ус инфекцияси аниқланган. Улардан 4,0 млн. нафари вафот этган бўлса, 77,8 минг нафар бемор оғир аҳволда.

Дунё бўйлаб шу йилнинг апрель ойида кунлик касаллиш кўрсаткичи 900,0 минг атрофида бўлиб, июнь ойида кунлик касаллиш 300,0 минггача камайди. Лекин июль ойининг бошларидан ушбу инфекция билан касалланиш ҳолатлари ортини кузатилиб, 10 июлда кунлик 490,0 минг янги ҳолат аниқланган.



Ўзбекистонда ҳам коронавир-ус инфекцияси билан касалланиш кунлик ҳолатлари (4 июль куни 475 та, 5 июль — 496 та (172 та пневмония), 6 июль — 471 та (195 та пневмония), 7 июль — 490 та (208 та пневмония), 8 июль — 482 та (221 та пневмония), 9 июль — 467 та (259 та пневмония) ортиб бораётганлиги ушбу инфекция билан касалланиш ҳолатининг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар-ни янада кучайтиришни талаб этмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, эмлаш ҳар қандай эпидемияга олиб келувчи юқумли касалликларнинг энг самарали профилактикасидир. Шу боис мамла-катимизда эмлаш ишларини амалга ошириш учун жами 3 138 та эмлаш пункти ва 862 та ҳаракатдаги бригада ташкил этилган. Эмлаш жараёнида қатнашадиган 4 356 нафар шифокор ҳамда 11 минг 539 нафар ўрта тиббиёт ходи-мининг тайёргарлиги оширилган.

Бугунги кунга қадар республи-камизда жами 4 743,8 минг доза (2 865,0 минг та 1-доза, 1 405,0 мингта 2-доза, 473,7 мингта 3-доза) корона-вир-ус инфекциясига қарши вақциналар эмлаш тадбирлариغا йўналтирилган бўлиб, шундан “ZF-UZ-VAC 2001” — 81 фоиз, “AstraZeneca” — 14 фоиз ва “Спутник V” — 5 фоизни ташкил этади.

Шу билан бирга, эмлаш тадбирла-рини тизимли уюштириш мақсадида жами 2 680,3 минг доза вақцина захи-раси шакллантирилган. Шунингдек, жо-рий йилнинг июль ойида “ZF-UZ-VAC 2001” вақцинасидан қўшимча 4,0 млн. доза, август-сентябрь ойлари “Спут-ник V” вақцинасидан 160 минг доза ҳамда август-сентябрь ойлари “COVAX” дастури доирасида 660 минг доза вақ-цина олиб келиниши режалаштирилган.

Мажлисида депутатлар олиб бори-лаётган ишларни эътироф этиб, соҳа-даги муаммолар ечимига ҳам эътибор қаратди. Хусусан, ўтган 3 ой давомида

65 ёшдан катта аҳоли қатламнинг ати-ги 42,8 фоизи, сурункали касаллиқла-ри бўлган аҳоли қатламнинг 67,7 фо-изи, мактабгача таълим ташкилотлари ходимларининг 77,4 фоизи ҳамда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 68,7 фоизи коронавир-ус инфекциясига қарши эмланган ҳолос. Айни пайтда фуқароларнинг барчаси тўлиқ дозалар-да эмланмаганини ҳисобга олсак, де-мак, бу борада ҳали зарур чоралар кўриш лозим бўлади.

Мажлисида сўз олган халқ вакилла-ри аҳолини коронавир-усга қарши про-филактик эмлаш жараёни сифатли олиб борилиши устидан назоратни кучайти-риш, 2021 — 2023 йилларда оилавий шифокор пунктларини ва оилавий по-ликлиникаларни ташкил этиш жадва-лидаги ўз вақтида амалга оширилима-ган лойиҳаларнинг бажарилиши бўйи-ча тегишли чораларни кўриш, “Қишлоқ шифокори” дастури доирасида белги-ланган 30 миллион сўмдан пул маб-лаги тўлаб берилмаган ходимларга тўловларни амалга ошириш чоралари-ни кўриш, фуқароларга давлат томо-нидан бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари билан кафолатланган пакет доирасида тиббий хизмат кўрс-атиш бўйича Сирдарё вилояти таъри-басини республика бўйлаб кенг тат-биқ этиш ҳамда аҳоли билан мулоқот-га кирувчи барча турдаги хизмат кў-рсатиш объектилари ходимларини коро-навир-ус инфекциясига қарши оммавий эмлаш масаласини кўриб чиқиш ҳозир-ги пайтда ҳаётий зарурат эканлигини билдирди.

Мажлисида кўриб чиқилган ахборот-лар юзасидан Олий Мажлис Қонунчи-лик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Матбуот хизмати.

Ишчи гуруҳ йиғилиши

Қарор лойиҳасини такомиллаштириш лозимлиги таъкидланди

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитасининг ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ҳамда етим болаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларга тегишли шарт-шароитлар яратиш бўйича ишчи гуруҳи йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда сенаторлар, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ўринбосари — бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Сенат Кенгаши қарори билан тасдиқ-ланган ишчи гуруҳи аъзолари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ишчи гуруҳ раҳбари сенатор О. Иминов томонидан қарор лойиҳасида ота-она қарамогидан маҳрум бўлган ва етим болаларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди. Жумладан:

- ота-она қарамогисиз қолган болаларни ижтимоий-ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўйича амал-даги қонун ҳужжатларини ягона қонунга мужас-самлаштириш;
- Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Халқ таълими вазириликнинг ҳудудий бўлинмаларидаги вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидаги вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари билан шуғулланувчи тузилма, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бўлин-маларидаги вояга етмаганлар ишлари бўйича қотибят негизида Вазирлар Маҳкамаси тарки-бида вазирлик ва ҳокимий ишлари билан шу-ғулланувчи алоҳида тузилма ташкил этиш;
- болаларни фарзандликка олган оилаларни рағбатлантиришнинг дифференциялаштирилган тизимини яратиш;
- шахсга доир маълумотларни сир сақлаган ҳолда талабгорлар учун васийлик ва ҳокимийка бери-ладиган болалар ҳақидаги маълумотларни онлайн олиш имкониятини яратиш;
- фарзандликка олишни истовчи номзодларнинг электрон навбатини ишга тушириш;
- ногиронлиги бор болалар оила тарбиясига олин-ганда уларни патронаж билан қамраб олиш ва зарур тиббий-ижтимоий хизматлар кўрсатиш ме-ханизминини яратиш каби масалаларни киритиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилишда қарор лойиҳаси юзасидан янги та-қлифлар ишлаб чиқишга келишиб олинди.

«Халқ сўзи».

БОЙСУНЛИК ЁШЛАР МУАММОСИ НАЗОРАТГА ОЛИНДИ

Бобоназар Тўраев Бойсун туманидаги “Даштиғоз” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади. У тумандаги касб-хунар коллежини тамомлагач, ҳали у, ҳали бу мавсумий ишлар билан шуғулланиб кўрди. Лекин топаётган даромаддан кўнгли тўлмади.

Халқ билан мулоқот

Қарангки, шундай кунларнинг бирида ушбу ҳудуддан Олий Ма-жлис Қонунчилик палатаси депу-татлигига сайланган Ҳазраткул Ҳўжамқуловнинг аҳоли билан учрашуви уюштирилгани айнан Бобоназар каби ишсиз ёшлар бандлигини таъминлашда айни мудоао бўлди.

— Президентимиз Ёшлар ку-нига бағишланган тантанали ма-росимдаги маърузасида ёшлар-ни иш билан таъминлаш, уларни зарур касб-хунарларга ўргатиш масаласига алоҳида тўхталиб, бу борадаги ишларга жойларда ҳокимлар ва сектор раҳбарлари масъул эканлигини билдирган эди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Ҳ. Ҳўжамқулов. — Шу боис уч-рашув давомида тумандаги “Ёшлар дафтар”га киритилган 25 нафар йигит-қизнинг бандли-гини таъминлаш мақсадида ту-ман мутасаддилари, сектор раҳ-барлари билан биргаликда ғал-ладан бўшаган ер майдонлари ёшларга ажратилишига қўмак-лашилди. Асосийси, уларга экин-тикин учун зарур уруғлар ҳам етказиб берилди.

Бугун даштиғозлик Бобоназар депутат ҳамда мутасаддилар қўмагидан мамнун. Муаммоси билан қизққан, амалий ёрдамга ошққан халқ вакили билан суҳ-батлашга туриб, келгусида фер-мерлик фаолиятини бошлаш ни-ятида эканлигини билдирди.

— Парламент аъзосининг аҳоли билан мулоқот ўтказает-гани муаммоларни бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди Б. Тўраев. — Бундай мулоқотлар ўз ечимини кутаётган муаммоларни ҳал қилиш, ҳудудимизни янада обод этишга хизмат қилади. Юрти-мизда ҳеч бир инсон эътибор-дан четда эмаслиги, фуқаролар-нинг яхши яшаши, иш билан таъминланиши учун шароитлар яратилаётганини ислохотлар-нинг ёрқин самараси деб би-ламан.

Олий Мажлис Қонунчилик па-латаси депутати учрашувлар до-ирасида Бойсун туманидаги “Мунчок” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 37-умумтаълим мактабида олиб борилаётган қурилиш ва маҳал-ланинг ички йўлларига шағал ётқи-зиш ишлари билан ҳам қизиқди. Очқик мулоқот чоғида фуқаро-лар томонидан кўтарилган маса-лалар ўрганилиб, тегишли таш-килотлар билан биргаликда улар-га ечим топилиди.

«Халқ сўзи».

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

АР-РИЁД БОШҚАРУВ ПРИНЦИПЛАРИ ЖОРИЙ ҚИЛИНСА, НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 270-банди (БМТнинг вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш учун бошқарув принциплари (Ар-Риёд бошқарув принциплари) миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тизимли акс эттирилиши масалалари муҳокамасига бағишланган йиғилиши ўтказилди.

Таъкидлаш жоиз, ушбу ма-сала юзасидан Қонунчилик па-латаси депутатлари, Бош про-куратура, Ички ишлар ва Ташқи ишлар вазирликлари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий мар-каз, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича ваки-ли (омбудсман), Ёшлар ишла-ри агентлиги вакилларидаан иборат ишчи гуруҳ тузилган ҳамда бир неча маротаба му-ҳокамалар ташкил этилган.

Йиғилишда иштирокчилар таъкидлаганидек, БМТнинг вояга етмаганлар ўртасида

томонидан “Ўзбекистон Рес-публикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғриси-да”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ҳужжатда қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш қўзда тутилмоқда.

Хусусан, Ар-Риёд кўрсатма-ларининг 9-бандига асосланиб, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш тўғрисида” ва “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонунларга вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар-га ёшларни жалб қилиш бўйи-ча нормалар билан тўлдириш тақлиф этилмоқда.

Қонун лойиҳасини Қонунчи-лик палатаси фракциялари, қўмиталари, шунингдек, тегиш-ли вазирлик, идора ва ташки-лотларидан келиб тушган тақ-лиф ва фикрлардан келиб чи-қи янада такомиллаштириш-га келишиб олинди.

ТУРИЗМ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИНИНГ АХБОРОТИ ҚЎМИТАНИ ҚАНОАТЛАНТИРМАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзолари Туризм ва спорт вазирлигининг “Спорт бўйича маҳаллаи тренерлар, ҳакамлар ва бошқа мутахассислари, шу жумладан, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг долзарб масалалари тўғрисида”ги ахборотини эшитди. Тадбир видеоконференцапола шаклида ўтказилди.

Мамлакатимизда спортни ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш борасида тизимли ишлар амалга оши-рилмоқда. Хусусан, 2021 йил-да 70 та жисмоний тарбия ва спорт муассасаси, 16 мингта бочка ва мактабларни спорт хижоэлари билан таъминлаш-га 100 миллиард сўм ажрати-лиши режалаштирилди. Шунингдек, барча туман мар-казлари ва шаҳарларда мах-сус пиедалар ва велосипед йўлаклари барпо этилмоқда. Аҳолини оммавий спорт тур-ларига кенг жалб қилиш орқа-ли жорий йил давомида кам-ров 19 фойздан 25 фойзга ет-казилиши белгилан олинди.

Эшитишда таъкидланишича, 2020 йил 30 октябрь куни Президентимизнинг “Соғлом турмуш тарзини кенг татбиқ этиш ва оммавий спортни яна-

да ривожлантириш чора-тад-бирлари тўғрисида”ги Фармо-ни қабул қилинди. Жаҳонда COVID-19 пандемиясининг юза-га келиши дунё мамлакатлари қатори Ўзбекистонда ҳам аҳоли-нинг соғлиғи, жисмоний ҳола-ти, соғлом ҳаёт кечириши дара-жаси заиф эканлигини кўрсат-ди. Шу сабабли жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳалар учун 2021 йилдан бошлаб ҳар йили 10 миллиард сўмдан кам бўлган миқдорда грант маб-лаглари ажратилиши белгилан-ди. Соҳада илмий салоҳиятга эга бўлган кадрлар уллушини ошириш мақсадида Туризм ва спорт вазирлиги тизимиданги олий таълим муассасаларига таянч докторантура ва докто-рантура учун қамда 10 та ўрин ажратилиши таъминланади.

Муниҳсон ҚАРИМОВА.

ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “ЗўрТВ” телерадиокомпанияси, “Uztergot” ахборот агентлиги билан октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ОАВ билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзолади.

«Сайлов — 2021»

Мазкур ҳужжатда сайлов қонунчилиги нор-маларига амал қилган ҳолда барча даража-даги сайлов комиссиялари фаолияти, ном-зодлар ва сиёсий партияларнинг сайловолди дастурлари ҳақидаги маълумотларни сайлов-чиларга ўз вақтида етказиш каби муҳим ва-зифалар акс этган. Тадбирда сайловларни очиклик, ошқоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда омма-вий ахборот воситаларининг роли муҳим аҳа-ми-ят касб этиши таъкидланди. Сайлов кампанияси давомида барча муҳим воқеа ва янгиликлардан фуқаролар оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлади. ОАВ сайлов кампанияси даврида ташвиқот ишлари, сайлов комиссиялари фаолияти ва бошқа масалаларни кенг ёритиб бориб, аҳоли-нинг сиёсий фаоллигини оширади, уларнинг

мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиради. Марказий сайлов комиссияси матбуот хиз-мати маълумотига кўра, 2019 йили бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депу-татлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловлари кампанияси даврида телевидение-да 16 738 та, радиоканалларда 6 914 та, босма оммавий ахборот воситаларида 4 771 та, веб-сайтларда 2 278 та, телеграм каналларида 3 435 га яқин, ижтимоий тармоқ саҳифаларида 6 723 та, жами республика бўйича 40 860 га яқин сайловга оид материаллар берилган.

Бундан ташқари, сиёсий партияларга оид 40 800 дан ортиқ ахборотлар, шунингдек, халқаро ОАВ орқали сайлов бўйича 100 дан зиёд материаллар эълон қилинган.

«Халқ сўзи».

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРЛАРИ

Мамлакатимизда эртамиз эгалари бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ўз иқтидорини юзага чиқариши учун барча шароитни яратиб бериш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Буни аънаъанвий тарзда ташкил этиб келинаётган ёшлар ойлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Акс садо

Президентимиз ва Олий Мажлис Сенати ташаббуси билан икки йил-дан буюн Ҳукуматимиз ҳамда Ўзе-бистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги томонидан бир қатор таш-килотлар ҳамкорлигида ўтказиб ке-линаётган ёшлар форумлари шу йил-дан бошлаб аънаъанвий ва юртимиз-даги йигит-қизларнинг том маъно-даги энг иштиёқ билан кутадиған фестивалига айланди, десак, мубо-лаға қилмаган бўламиз.

Жорий йилда “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” гоёси ости-да ўтказилган ушбу фестиваллар навқирон авлодни истиқлол гоёла-

рига садоқат, Ватанга муҳаббат ру-ҳида, юксак маънавиятини инсонлар этиб тарбиялашга қаратилганлиги билан ажралиб турди. Зеро, ана шун-дай эътибор ва рағбат туйфали ёшларимиз ҳар бир жабҳада улкан ютуқларни қўлга киритган ҳолда, юртимиз номини янада қўқларга кўтармоқда.

Навоий вилоятида шу йилнинг 16 — 18 июнь кунлари ўтказилган “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” шiori остидаги ушбу фестиваль юқори савияси билан ажралиб тур-ди. Негаки, тадбир бўладиган жой-ларда бепул “Wi-Fi” уланилиб,

лойиҳа ҳамда тадбирлар мавжуд ра-қамли катта дюмли (ЛЕД) экранлар-га тўғридан-тўғри намойиш этили-шидан ташқари, уч кун мобайнида қўча, хиёбон, маданият ва истиро-ҳат боғлари ҳамда маданият сарой-лари ёшлар, умуман, аҳоли вакил-лари ва меҳмонлар билан гавжум бўлди.

Ёшларнинг ўзига хос бу байрами доирасида вилоятнинг барча ҳуду-дида — таълим муассасалари, аҳоли дам олиш жойларида 100 га яқин маданий-маърифий тадбирлар, учра-шувлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, уларда 510 минг нафардан зиёд йи-гит-қизлар қамраб олинди.

Чунончи, фестивалнинг биринчи кунда 40 га яқин лойиҳа ва тад-бирлар ўтказилиб, 150 мингга яқин, иккинчи кунда 30 дан зиёд лойиҳа ҳамда тадбирлар ташкил этилиб, 160 мингдан зиёд ва учинчи кунда 40 га яқин лойиҳа ҳамда тадбирлар ва якуний гала-концертда 200 минг-

дан кўпроқ аҳоли вакиллари, шу жум-ладан, ёшлар қатнашди.

Спорт мусобақаларида эса 45 мингдан зиёд, маданий тадбир-ларда 360 мингга яқин, бошқа тан-лов ва лойиҳаларда 105 мингдан ортиқ иштирокчи ҳамда томоша-бинлар қатнашди. Эътиборлиси, лойиҳа ва тадбирларни ўтказишда вилоятдаги 5 мингга яқин йигит-қизлардан иборат “Кўнгилли ёшлар” (волонтерлар) жамоалари фаоллик кўрсатди.

Тадбир дорасида уч кун давомида ёш тадбиркор ва хунармандларнинг маҳсулотлари кўргазмаси, савдо ҳамда меҳнат ярмаркалари уюшти-рилиб, 370 нафар ёшнинг бандлиги таъминлангани ва тадбиркорликка жалб қилингани, аиникса, эътибор-лидир.

Умуман, ушбу фестивалдан қўзланган асосий мақсад ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук ин-сонлар этиб тарбиялаш, уларнинг

илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфа-атларини самарали ҳимоя қилиш ва мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий ҳамда иқти-содий ислохотларга фаол жалб этиш-дан иборат бўлиб, тадбир натижа-ларидан келиб чиқиб айтидиган бўлсак, бунга тўлиғича эришилди.

Юз минглаб ёшларни бир давра-га жамлаган фестиваль том маъно-да янги мақсадлар, келажакка ишонч, шижоат ва ташаббускорлик тантанасига айланди ҳамда азму шижоатли ёш авлодни янги Ўзбекис-тонни бунёд этишдек эзгу мақсад йўлида бирлаштирди. Зеро, янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари айнан ёшларимиздир.

Жамшид ХЎЖАЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси,
Ёшлар ишлари агентлиги Навоий
вилояти бошқармаси бошлиғи.

«Халқ сўзи» учун эксклюзив

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари ривожланишининг мулқало янги босқичга чиқди, қатор муҳим соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишга киришилди ва уларнинг кўлами кенгайиб бормоқда. Шунга яраша қардошлик

Олган БЕКАР: БИЗ ЎЗБЕКИСТОННИ ОТА ЮРТ СИФАТИДА КЎРАМИЗ

— Элчи жаноблари, бугун Ўзбекистон ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатлар бутунлай янги суръатларда ривожланмоқда. Икки давлат раҳбарларининг ўзаро мулоқотлари ҳам мунтазамлик касб этяпти. Шулардан келиб чиққан ҳолда айтиш-чи, ўзаро ҳамкорлиқнинг замонавий босқичи ва кирралари айнан нималарда намоён бўляпти?

— Аввало, Туркия — Ўзбекистон муносабатлари ривожланишда давом этаётганини алоҳида эътироф этишни истардим. Айниқса, ҳозирги давлат раҳбари муҳтарам Шавкат Мирзиёевнинг Президент этиб сайланиши биланок 2016 йил якунидан бошлаб, муносабатларимиз ҳар соҳада жадал равнак топмоқда. Бунинг энг муҳим сабаби икки давлат раҳбарлари ўртасидаги муносабатдир. Ушбу муносабат ўзаро ишон ва ҳурматга таянган. Мазкур ришталар асосида биз, мулозимлар ҳам икки давлат ўртасидаги алоқаларни сиёсий, иқтисодий, маданий, ҳарбий соҳаларда ривожлантириш учун баҳол қудрат сый-ҳаркат қўрсатяпмиз. Бу биз учун янги даврдир. 2016 йилнинг сўнгги чорагидан янги даврнинг эшиклари очилган. Халқларимиз, ҳукуматларимиз, давлат мулозимларимиз ўртасидаги муносабатларни ривожлантириш, кучайтириш, бир-биримизни яхшироқ таниш учун куч-гайрат қўрсатяпмиз.

— Апрель ойда эъ дипломатик миссиянгизга киришдингиз. Янги фаолиятингиз давомида Ўзбекистон билан Туркия ўртасидаги ҳамкорлиқнинг қайси йўналишларини ривожлантиришни устувор вазифа, деб ҳисоблайсиз?

— Биз Ўзбекистонни ота юрт сифатида кўралик. Чунки бизлар бу заминларда туғилиб ўсиб, Онадўлу томонларга бориб кўним топганмиз. Туркия ва Ўзбекистон — туркий дунёнинг иккита буюк мамлакат. Аҳолиси сони бўйича ҳам қарасангиз, Туркия ҳамда Ўзбекистон биринчи иккита ўринни эгаллайди. Битта буюк дарахнинг илдизимиз, илдизимиз битта. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Туркия ўртасида, айниқса, маданий алоқаларни ривожлантириш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади. Зотан, юқорида айтиб ўтганимдек, давлат раҳбарларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳозир жуда чиройли, ўртада ўзаро ишонч ўрнатилган. Ушбу сиёсий ишончга таянган ҳолда иқтисодий ҳамда маданий алоқаларимизни ривожлантириш олсак, катта қадам ташлаган бўламиз. Шу сабабли ҳозир ўз йиллар мобайнида айро қолган, ягона илдиздан келиб чиққан икки халқнинг бир-бирини чуқур ва теран таниши муҳим мақсадимиздир. Бунинг ечими маданий муносабатларни ривожлантириш билан чамбар-час боғлиқ.

— Яқинда мамлакатимизга Туркия Республикаси вице-президенти Фуат Октай ташриф буюрди. Ушбу ташриф ва унинг давомида эришилган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Аввал ҳам айтиб ўтганимдек, икки давлат орасидаги муносабатлар ҳар соҳада ривожланиб бормоқда. Фаолият бошлаганимдан буён ўтган 4 ой мобайнида ташқи ишлар вазиримиз, туризм вазиримиз, савдо вазиримиз, Бош штаб раҳбаримиз, кўлаб мулозимлар, депутатлар Ўзбекистонга келди. Хусусан, яқинда Туркия Республикаси вице-президенти жаноб Фуат Октай Ўзбекистонга келди. Ушбу ташриф доирасида Тошкентда икки давлат ўртасида Ҳукуматларо кўшма иқтисодий комиссия йиғилиши бўлиб ўтди. Бу тадбирда муносабатларнинг барча соҳасини муҳофаза қилиб олдиқ. Хусусан, иқтисодий соҳада келгусида

ришталари ҳар қачонгидан ҳам кўра яқин нуқталарда мустаҳкамланишда давом этмоқда.

Муҳаббимиз Туркия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Олган Бекар билан шулар ҳақида суҳбатлашди.

Видеолавҳада кўринг



қандда Бош консулхона очдик. Шаҳардаги савдо вакилларимиз, турк сайёҳларимиз дуч келиши мумкин бўлган турли муаммоларни жойида ҳал қилиш ёки ўз вақтида уларга ёрдам қилини чўзиш, маълумот тақдим этиш каби жиҳатлар сабаб Бош консулхона очилишини муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Худди шу тарика Ўзбекистон Республикасининг ҳам Туркияда ваколатхоналари сони ортиб бормоқда. Истанбулдаги Бош консулхона билан бирга турли вилоятларда фахрий консулхоналар фаолияти йўлга қўйилмоқда. Буларнинг охириси Анталияда очилди. Бу ҳам Ўзбекистон нуктаи назаридан Анталиянинг аҳамияти тобора ортиб бораётганини кўрсатади. Чунки Тошкент — Анталия орасида чартер парвозлар бор. Ўзбекистон томони бу парвозларни амалга оширмоқда. Йилдан-йилга эса Анталияга боруви Ўзбекистонлик сайёҳлар сони ортиб борапти. Шу боис Анталиядаги ушбу фахрий консулхона муҳим вазифаларни бажаради, деб ўйлайман. Яъни у ерга бораётган ўзбек фуқароларининг муаммоларини ҳал қилиб бериш ёки уларга келиб-кейтишда ёрдам қилини чўзиш, янги соҳаларни очиш борасида унинг бажарадиган ишлари муҳим.

Масалан, ўзаролик тамойили асосида Тошкент, Фарғона, Урганч, Самарқанддан парвозлар амалга ошириляпти. Бу ҳам савдо алоқаларини, ҳам сайёҳликни кўпайтиради. Чунки турклар учун Ўзбекистон ҳам ота юрт, ҳам муҳим иймон марказидир. Улар орасида Нақшбандий макбарасини кўришга келадиганлар кўп. Зиёрат туризми, гастрономия туризми ҳам шулар сирасида. Қолаверса, ўзбек миллий таомларини татиб кўриш ҳам ёқимли. Биз бу йўналишларни ривожлантиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўз навбатида, кейинги бир йилда Туркияда туризм соҳасида амалга оширилаётган ишларни жойида ўрганишлари учун кўлаб ўзбекистонлик журналистлар учун саёхатлар ташкил этилди. Умуман олганда, Ўзбекистон Туркиянинг яхши тажрибага эга бўлган туризм соҳасини намуна сифатида ўрганипти. Биз ҳам Ўзбекистон билан турли соҳалар, айниқса, сайёҳлик жабҳасидаги тажрибамиз билан ўртоқлашишдан бахтлимиз. Зеро, туризм ҳам иқтисодий алоқаларнинг муҳим ифодасидир.

Яна шунини маънуният билан қайд этишни хоҳлардимки, икки давлат ўртасида савдо ҳажми 2020 йилда 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этган

“Биз Ўзбекистонни ота юрт сифатида кўралик. Чунки бизлар бу заминларда туғилиб ўсиб, Онадўлу томонларга бориб кўним топганмиз. Туркия ва Ўзбекистон — туркий дунёнинг иккита буюк мамлакат. Аҳолиси сони бўйича ҳам қарасангиз, Туркия ҳамда Ўзбекистон биринчи иккита ўринни эгаллайди. Битта буюк дарахнинг илдизимиз, илдизимиз битта. Бу жиҳатдан Ўзбекистон ва Туркия ўртасида, айниқса, маданий алоқаларни ривожлантириш биз учун устувор йўналиш ҳисобланади.

— Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик қандай ривожланмоқда? Масалан, Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан туркиялик фуқароларнинг мамлакатимизга 30 кун давомидида визасиз келиши йўлга қўйилди...

— Икки давлат ўртасида ривожланиб бораётган сиёсий ва иқтисодий муносабатларга муносоиб равишда туризм соҳасидаги мулоқотлар, ҳамкорлик ҳам кўсилиб бормоқда. Икки давлат ўртасида виза олиб ташланган. Бир йил мобайнида 90 кунгача визасиз туризм мақсадида бориб келиш мумкин. Бу жиҳатдан визани олиб ташлаш, албатта, муҳим қадам деб ҳисоблайман. Бу ҳам икки томонлама алоқаларда акс этмай қолмапти. Ўзбекистон Республикасига пандемиядан аввал келувчилар сони кундан-кунга ўсиб бораётган эди. Сўнгги мартаба 2019 йилда 100 мингдан ортиқ турк сайёҳлари ташриф буюрган эди. Худди шундай тарзда Туркияга бораётган ўзбекистонлик фуқароларнинг сони 250 мингдан ортиб қолган эди.

Табиики, пандемия тубайли, дунёнинг ҳар ерида бўлганидек, бизда ҳам чекловлар жорий этилди. Шу сабабли туризм соҳасида олдинга силжиш сезилмади. Лекин 2021 йилда ўзаро ташрифлар кўпайганини шахсан сезилган. Турли сабаблар билан Самарқанд, Бухоро, Хивага бормганимда, у ерларда айланб юрган турк фуқароларини кўрдим. Бу мени жуда хурсанд қилди. Айни чоғда Туркия ва Ўзбекистон ҳаво йўллари авиациркатлари парвозлари ҳам кўпайди. Ҳозир икки давлат ўртасида 2021 йил 1 июлдан бошлаб парвозлар микдори пандемиядан аввалги ҳолатига қайтди. Икки мамлакат ўртасида ҳафта-си 40 дан ортиқ рейслар бор. Бу жуда яхши кўрсаткич, лекин бу билан тўхтаб қолинмайди — келгусида янада кўпаяди.

Санджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») суҳбатлашди.

«2016 — 2021 ЙИЛЛАР ТАРИХГА

ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАНИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ ТИКЛАНИШ ДАВРИ СИФАТИДА КИРАДИ»

Бугунги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим, илм-фани янада ривожлантириш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Марказий Осиёда тинчлик-тотувликни мустаҳкамлаш, умуман, барча соҳада амалга оширилаётган ислохотлар дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Буни халқаро эксперт ва мутахассисларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам тасдиқлайди.

■ Эътироф

Равиндер Гаргеш, Самарқанд давлат университети Инглиз тили кафедраси мудири, профессор, Осиё мамлакатлари инглиз тили ўқитувчилари халқаро ассоциацияси президенти:

— Назаримда, Марказий Осиёда таълим-тарбияга, ёшлар тақдирига Президент Шавкат Мирзиёев даражасида ғамхўрлик қўрсатаётган, катта маблағлар йўналтиряётган давлат раҳбари йўқ.

Таълим тарихини ўрганган мутахассисларнинг таъкидлашча, бирор-бир мамлакатда давлат раҳбари томонидан эътибор қаратилмаса, илм-фан, таълим ривожланмаган. Буни жуда кўп юртлар мисолида кўралик. Илм-фан, таълим ва бошқа соҳалар ҳам давлат раҳбарининг интилиши ҳамда хоҳиш-истаги билан тарққий этади. Бу ҳақиқат бугунги Ўзбекистон мисолида яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда кейинги 5 йилда ўтказилган халқаро конференциялар, анжуманлар

ҳам бунини тасдиқлайди. Бугун дунё миқёсида ташкил этилаётган муҳим тадбирларни Ўзбекистон олимларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бутун дунё бўйлаб энг нуфузли олий таълим даргоҳларида ўзбек-кистонлик ёшларнинг борлиги, илмий тадқиқот олиб бораётганлиги фикримиз далилидир. Жаҳон илм-фан марказларида ҳам ўзбекистонлик олимлар кўпчиликини ташкил қилади. Бир пайтлар ёлқилқил сиёсати устувор бўлган Ўзбекистонда бугун бутунлай бошқача манзара ҳукм сурмоқда. Чунки ёлқилқил мамлакатда илм-фан ва таълим ҳеч қачон ривожланмади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда қандай чет эл олий таълим муассасалари филиаллари очилди. Ўзбекистон ёшлар

ри чет тиллар, айниқса, инглиз тилини ўрганишга қаттиқ ҳаракат қилмоқда. Бу имкониятлар ўзининг дастлабки натижаларини бераптир. Ўзбекистон собиқ иттифоқ даврида ҳам бутун Марказий Осиёга қадрлар етиштириб бериш билан машғул бўлган. Афсуски, ўтган чорак аср давомида бу мавқеини йўқота-ёзган эди.

Президент Мирзиёевнинг даврида айнан Ўзбекистон илм-фан ва таълим борасида ўз мавқеи ва юксаклигини тиклади.

Ишонаманки, 2016 — 2021 йиллар тарихида Ўзбекистон илм-фани ҳамда таълим тизимининг тикланиш даври сифатида қиради.

Фредерик Бруне, Франция Миллий тадқиқотлар маркази археология лабораторияси катта илмий ходими, Ўрта Осиё бўйича экспедиция раҳбари:

— Бугунги Ўзбекистон заминиди инсоният тафаккури, тамаддунига тамал тоши қўйган илм-фан марказлари бўлган. Маълум, Улугбек академиялари ўтмишда ҳам, бугун ҳам тан олинади, эътироф этилади.

Истанбул университетидаги Улугбек академиясининг энг машҳур олими Али Қўшчи томонидан асос солингани ҳам фикримиз далилидир. Лекин ўтмиш буюклиги ўз ўрнида соиб тураредиди. Бугунги кунлар бизнинг олдимизга саволларини, масъулиятини, бурчимизни қўяди, эслатади. Худди Иккинчи жаҳон урушидан сўнг Япония таълими, илм-фанига эътибори тубайли дунёни забт этгани каби Ўзбекистон ҳам таълимга, ёшларга, олимларга қўрсатаёт-

Ифтихор Малик, Буюк Британиянинг Оксфорд ва Бас Спa университети профессори, Ўрта Осиё тарихи бўйича мутахассис:



— Халқаро ҳамжамият томонидан аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ҳақида кўп гапирилади, тадбирлар, йиғилишлар ўтказилади. Лекин натижага келганда кўрсаткичлар паслигича қолаётганлиги маълум бўлади.

Мен халқаро ҳамжамиятта бу борада Ўзбекистонни ўрناق

қилиб кўрсатмоқчиман. Ижтимоий муҳофазанинг ўзбек моделини ўрганиш, тадқиқ этиш керак, деб ҳисоблайман. Президент Шавкат Мирзиёев аҳолининг ижтимоий муҳофазаси юзасидан жуда кўп қарор ва фармонларни имзолади. Президентдан тортиб то ҳоқим-гача, сенатордан то депутатгача бўлган амалдорларнинг аҳоли хонадонларига кириб бориши, ҳақиқий аҳолини ўз қўли билан қўриши эзгу тамойилга айлан-ди. Эҳтиёжмандларга иш керак-ми, кредитми, тубий ёрдам ёки моддий кўмак зарурми — барчаси ўрганилиб, таҳлил этилди. Қисқа вақт ичида уларга шарт-шароитлар яратилди.

Аслида бундай натижага

эришишни дунёнинг жуда кўп мамлакатлари аҳолиси орзу қилади. Президент Мирзиёев одамларнинг мана шу орзуларини ҳаёт ҳақиқатига айлантира олди.

Қарангки, бир пайтлар одамлар раҳбарларини ордидан излаб юрган бўлса, бугунги кунга келиб энг катта давлат амалдори ҳам энг қўли бўғин-га тушиб, аҳолининг қалбига қулқ топмоқда.

“Иштак оқватнинг устида келади”, деган гап бор. Одамларнинг талаб-истаклари ҳам тобора ошиб бормоқда. Жумладан, уй-жойга ҳам. Лекин дунёнинг ривожланган мамлакатларида ҳам аҳолининг шахсий уй-жойи қамлигига ва уларнинг кўпчилиги ижарада яшашини ҳисобга олсак, бугун Ўзбекистон жуда катта муаммони бартараф этаётганини кўралик.

кистон позитивиясини қаттиқ қўллаб-қувватламоқда ва бутун дунёга намуна сифатида қўрсатяпти. Ўзбекистон тинчлик жарчиси сифатида нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ҳам ўз нуфузини яратмоқда. Бу ҳақиқат халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилиб, тан олинмоқда.

Марказий Осиёдаги чегара, сув ва бошқа бир қатор муаммолар Ўзбекистон ташаббуси билан сиёсий дипломатик йўл орқали ҳал этилаётганигидан кўпчилик хайратланмоқда. Бу Президент Мирзиёевнинг шарҳона донишмандлик ҳамда ўзбек давлатчилигининг дипломатиясини ўзида муҳассамлаштирганини кўрсатади.

Самарқанд давлат университети Ахборот хизмати раҳбари ФОРУХ ҲАМРОЕВ таъйилади.



Султон Жалолиддин Мангуберди ҳақида янги асар

Яқинда Республика Маънавият ва маърифат марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари, Урганч давлат университети тадқиқотчиси Бекзод Абдиримовнинг кўп йиллик илмий изланишлари маҳсули — “Хоразмийлар изини излаб...” номли асари чоп қилинган эди.

Муаллиф ушбу йўналишдаги илмий изланишларини давом эттириб, покистонлик олим, доктор Васим Сажжад билан ҳамкорликда “Султон Жалолиддин Хоразмшох Покистонда” номли китобни нашрга тайёрлади.

Ўзбек, инглиз ва урду тилларида босмадан чиққан ушбу асарда султон Жалолиддин Мангубердининг 1221 — 1224 йиллардаги сиёсий-ҳарбий фаолияти билан бир қаторда, Покистонда амалга оширган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Китобда буюк саркарданинг зафарли юришлари, сўнмас жасорати ҳақида юртимиз тарихчилари учун янгилик бўлган қимматли маълумотлар келтирилган.

Одилбек ОДАМБОВ
(«Халқ сўзи»).

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 748. 30 930 нусхада босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нарҳда.

Газетани ҳақиқатида маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонал 71-232-11-15.



Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавабдор.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бекмурод томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифати чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Қорхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 01.40 Топширилди — 03.35 1 2 3 4 5 6